



BO'LAJAK O'QITUVCHILARNI TARBIYAVIY FAOLIYATGA TAYYORLASHNING PEDAGOGIK SHART-SHAROITLARI

Norposhshaxon Xabibullayevna Voxidova

Pedagogika kafedrası professori, pedagogika fanlari nomzodi

Toshkent davlat pedagogika universiteti

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7030484>

ARTICLE INFO

Received: 22nd August 2022

Accepted: 23rd August 2022

Online: 29th August 2022

KEY WORDS

tayyorgarlik, innovatsiya, texnologiya, ta'lim, bosqich, samara, maxsus, uslubi, kasb, mazmun, motivatsiya, pedagogik qo'llab-quvvatlash, ijtimoiy kompetentsiya.

ABSTRACT

maqolada bo'lajak o'qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlashning pedagogik shart-sharoitlari, ulardan foydalanishning samarali printsiplari aniqlangan hamda bo'lajak o'qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlash tuzilmasi berilgan. SHuningdek, kasbiy tayyorgarlik muvaffaqiyatini ta'minlovchi tashkiliy, mazmunli, motivatsion hamda pedagogik qo'llab-quvvatlash yondashuvlar mazmuni yoritilib, OTT bo'lajak o'qituvchilarini tarbiyaviy faoliyatga tayyorlashga doir ijtimoiy kompetentsiyalar mazmuni tasniflangan.

Жамият тараққиёти учун, аввало, маънавий-ахлоқий компетентли, ижтимоий фаол шахсни тарбиялаш, шунингдек, асосий эътиборни ёшларнинг тарбияланганлик даражасини ошириш масаласига қаратиш зарур. Маълумки, Турон заминидан азал-азалдан инсон маънавий камолоти, ахлоқий фазилатлар тарбияси аждодларимиз диққат марказида бўлиб келган. Бу вазифа бугунги кунда ҳам долзарблигича қолиб келмоқда.

Мамлакатимизда малакали ўқитувчи-мураббий кадрларини тайёрлаш масаласига устувор соҳа сифатида қаралмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари

тўғрисида” [1] ги, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сонли “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” [2]ги Қарорларида олий таълим тизимида тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг салоҳиятига алоҳида эътибор бериш зарурлиги таъкидланган. Бу масалаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎПҚ-637 сонли “Таълим тўғрисида”ги [3] Қонунининг алоҳида бандида педагог ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари баён этилиши билан бирга, касбий фаолиятини амалга ошириш учун зарурий шарт-шароитлар яратилиш кераклиги белгиланган.



Мазкур қарор ва қонунлар ижросини таъминлаш мақсадида биз педагогика ОТТда тайёрланаётган мутахассислар-бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга тайёрларлигини такомиллаштиришга доир илмий-изланишлар олиб бордик. Бунда асосий эътиборни мутахассиснинг тарбиявий фаолиятни ташкил этиш мазмуни, уни амалга ошириш шакл ва методларига ыаратиш билан бир қаторда, унга юклатилган вазифаларини турли хил қадриятлар тизимлари ва дунёқарашнинг мавжудлиги шароитида бажара олиш малака ва кўникмаларини ўзлаштиришига қаратдик.

Бунда малакали мутахассисларни тайёрлаш омилларининг бири бўлган педагогик шарт-шароитлар эътиборга олиниб, унинг: 1) бирор нарса содир бўладиган муҳит, 2) бирор нарса устида бўлган ҳолат билан боғлиқ макон ва шароит; 3) муайян фаолият соҳасига киритилган қоидалар каби кўп қиррали эканлигига аҳамият қаратилди.

Педагогик адабиётларда ҳам “педагогик шарт-шароитлар” тушунчасини турлича изоҳланган бўлиб: педагогик таъсир чоралари мажмуи (А.Я.Наин); таълим ва тарбиянинг мазмуни, методлари ва шакллари (В.И.Андреев); муаммоларни ҳал қилишда моддий-фазовий муҳитнинг объектив шакллари, усуллари ва воситалари тўплами (А.Я.Наин); педагогик жараённинг чоратадбирлари мажмуи (Н.М.Яковлева) деб аталган.

Адабиётлар таҳлили асосида, биз психологик-педагогик шарт-шароитлар бу – педагогик тизимнинг у ёки бу жиҳатини ривожлантиришга қаратилган ўқув ва моддий-фазовий муҳитнинг (таъсир чоралари) мақсадли қурилган ўзаро боғлиқ имкониятлари тўплами деб таърифлаб, бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга тайёрлашнинг қуйидаги самарали шарт-шароитларини аниқладик:

бўлажак ўқитувчиларни аудитория ва аудиториядан ташқари тарбиявий тадбирларда, педагогик амалиёт мобайнида тарбиявий фаолият учун зарурий ижтимоий компетенцияларни ўзлаштиришлари ва шу асосида уларда тарбиявий фаолият учун зарурий билим кўникма ва малакаларни шаклланишини таъминловчи дидактик шарт-шароитлар (тарбиявий фаолиятнинг мақсади, мазмуни, шакллари ва методлари ва инновацион ёндашувлар ва технологиялар);

инновацион ёндашувга асосланган таълим ва тарбиявий жараённи ташкил этиш учун зарур бўлган ташкилий-бошқарув шарт-шароитлари (таълим ва тарбия жараёнини ташкил қилиш ва бошқаришнинг шакллари, воситлари ва усуллари);

бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга тайёрлаш ва инновацион ёндашувга асосланган таълим тарбия жараёнининг методик таъминотини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган касбий методик шарт-шароитлар.

Мазкур шароитлардан муваффақиятли фойдаланиш учун эса ушбу қуйидаги самарали принциплар қўлланилди:

1. Ижодкорлик принципи. Бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга тайёрлашга қаратилган



ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, талабаларнинг позитив характердаги ҳаёллари ва режаларини рағбатлантириш.

2. Диалоглик принципи. Мулоқот кўникмаларини ривожлантиришда амалга ошириладиган диалоглик принципи, толерантлик ва рефлексив фаолиятни қўллаб-қувватлаш.

3. Муваффақият принципи. Мазкур принципнинг моҳияти жамoa билан ишлашга қаратилган зарурий ҳис-туйғулар билан тавсифланиб, талаб ва таклифнинг уйғунлигини таъминлайди.

4. “Ўзини ўзи бошқариш” принципи. Бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга тайёрлашдаги мустақил амалга оширишга қаратилган ҳаёт шароитларида куч ва шахсий ва фаол бўлиш белгилари.

5. Табиийлик принципи табиийлик тамойилининг моҳияти одамларнинг табиий тенглигини, ҳар бир шахснинг ўз қадр-қиммати ва бетакрорлигини, унинг атроф-муҳит билан узвий бирлигини тан олишга асосланади.

7. Педагогик жараённинг билим ва кўникмаларни, онг ва хулқ-атвори бирликда шакллантиришга йўналтирилганлиги принципи. Ушбу принципнинг моҳияти болалар амалий ҳаракатлар билан тасдиқланган назарий тақдиротнинг тўғрилигини текшириш имкониятига эга бўлган фаолиятни ташкил этиш талабидан иборат;

8. Тарбиянинг узлуксизлиги принципи. Бу тамойил ўқув жараёнида эгалланган билим, кўникма ва малакаларни, шахсий сифатларни мустаҳкамлаш ҳамда уларни тизимли ва изчил ривожлантиришни назарда тутди.

9. Тарбия жараёнининг яхлитлиги ва тизимлилиги принципи. Тарбия жараёни тизимли идрок этиш ва тушуниш, уни яхлит бир бутунликда амалга оширишни назарда тутди. Яхлитлик педагогик жараённинг табиий хусусияти бўлиб, у объектив равишда мавжуд, чунки жамиятда мактаб, таълим ва тарбия жараёни мавжуд. Масалан, абстракт маънода олинган тарбия жараёни учун яхлитликнинг бундай хусусиятлари тарбиялаш ва тарбияланишнинг бирлигидир.

10. Маънавий ҳамкорлик принципи. Биргаликда қувониш; позитивизм; ҳамкорлик; индивидуаллик. Тарбиявий фаолиятдаги маънавий ҳамкорлик принципи тарбия жараёнининг барча таркибий қисмларини интеграциялашган ҳолда қўллашга асосланади. У тарбияга жалб қилинган барча омиллар: оила, таълим муассасаси, меҳнат жамоаси ва жамиятни ҳисобга олишни талаб қилади. Юқорида келтирилган принциплардан бир бутун ҳолда фойдаланиш самарали натижалар берди.

Тадқиқотда тарбиявий фаолиятга тайёргарликнинг ўзига хос хусусияти аниқланиб, аниқ тадбирлар ва тарбиявий ишларнинг шакллари (суҳбатлар, учрашувлар, кечалар, экскурсиялар ва бошқ.), талабалар фаолияти (тарбиявий тадбирлар, фан тўғараклари, танловлар, олимпиадалар), шунингдек, кўргазмали қурооллар (фильм намоишлари, расмлар ва бошқ.)ни амалга ошириш юзасидан мақсадли буюртма ҳамда кутилаётган натижани ўз ичига олувчи бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий



1-жадвал

Бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга тайёрлаш тузилмаси



Шунингдек, тадқиқотда бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга тайёрлашнинг ташқи формал ва дидактик хусусиятларига асосланган таснифий параметрларининг дидактик, ташкилий-бошқарув ва методик таъминоти билан боғлиқ шарт-шароитлари таҳлилида касбий тайёргарлик муваффақиятини таъминловчи қуйидаги масалалар эътиборга олинган:

таълим
ташкилий: муассасасининг ўқув жараёнида талабаларнинг фаол субъектив позициясини рағбатлантириш;

талабалар фаолиятини ташкил қилишда ўқув жараёнининг бошқа субъектлар (ўқитувчилар, ота-оналар) билан ўзаро муносабатларини амалга ошириш;

мазмунли: касбий тайёргарлик жараёнида талабалар фаолиятининг ҳар хил турларини (когнитив, дизайн-тадқиқот, амалий таълим) ривожлантириш; ўқув фаолиятини ахборот-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

мотивацион: талабаларнинг ўқув фаолиятида муваффақиятли иштирокини таъминлаш талабалар



билан ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш, тақдим этиш ва муваффақиятли амалга ошириш; талабаларнинг ўзини ўзи англашига ҳисса қўшадиган ўқув машғулотларини ташкил этиш;

педагогик қўллаб-қувватлаш: ўқув лойиҳаларига педагог раҳбарлиги; талабаларнинг шахсий касбий ривожланишига қаратилган индивидуал маслаҳатлар; педагогнинг талабаларни босқичма-босқич касбий шакллантириш бўйича раҳбарликнинг таъминланиши.

Шу билан бирга, ОТТ бўлажак ўқитувчиларини тарбиявий фаолиятга тайёрлашда қуйидаги ижтимоий компетенцияларни ривожлантириш зарур деган фикр илгари сурилди:

шахс сифатида ўзини-ўзи ривожлантириш компетенцияси – доимий равишда ўзини-ўзи жисмоний, маънавий, руҳий, интеллектуал ва креатив ривожлантириш, камолотга интилиш, ҳаёт давомида мустақил ўқиб-ўрганиш, ўз хатти-ҳаракатини муқобил

баҳолаш ва мустақил қарор қабул қила олиш қўникмаларини эгаллаш;

ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси – жамиятда бўлаётган воқеа-ҳодиса ва жараёнларга дахлдорликни ҳис этиш, уларда фаол иштирок этиш, ўзининг фуқаролик бурчи ва ҳуқуқларини билиш, унга риоя қилиш, меҳнат ва фуқаролик муносабатларида муомала ҳамда ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш лаёқатларини ривожлантириш;

миллий ва умуммаданий компетенция – Ватанга садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлиш, ораста кийиниш, маданий қоидаларга ҳамда соғлом турмуш тарзига амал қилиш лаёқатларини ривожлантириш.

Ушбу компетенцияларга амал қилиш бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга муваффақиятли тайёрлаш билан бирга, фаолиятнинг самарали бўлишини таъминлади.

References:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори
- 2.2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сонли “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори
- 3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎПҚ-637 сонли “Таълим тўғрисида”ги
4. Толковый словарь Ожегова онлайн. <https://gufo.me/dict/ozhegov>